

«СОЮЗ-5»  
КЕМАСИНИНГ  
ЭКИПАЖ  
АЪЗОЛАРИ



Б. В. ВОЛИНОВ.



А. С. ЕЛИСЕЕВ.



Е. В. ХРУНОВ.

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

16 4-йил чиқиши  
ЯНВАРЬ 1969 й.  
ПАВШАНБА  
№ 13 (777).  
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТАСС АХБОРОТИ

### ИККИ СОВЕТ КОСМИК КЕМАСИ—

#### «СОЮЗ-4» ВА «СОЮЗ-5» ОРБИТАДА

Бугун 1969 йил 15 январда Москва вақти билан соат 10 дан 14 минут ўтганда экипажи уч космонавтдан иборат «Союз-5» космик кемаси ер йўлдоши орбитасига чиқарилди.

Космик кема ичида совет космонавт учувчилари: кема командири подполковник Борис Валентинович Волинов ҳамда экипаж аъзолари — борт инженер, техника фанлари кандидати Алексей Станиславович Елисеев ва тадқиқотчи инженер подполковник Евгений Васильевич Хрунов бор.

«Союз-5» космик кемаси ҳисоблаб қўйилган орбитага чиқарилди.

«Союз-5» космик кемаси орбитасининг параметрлари қуйидагича:

Ер тевагаидан айланиш даври 88,7 минут;

Ер юзидан максимал узоқлиги (апогейда) 230 километр;

Ер юзидан минимал узоқлиги (перигейда) 200 километр;

Орбитанинг оғиш 51 градус 40 минут.

Кема орбитага чиқарилганидан сўнг «Союз-5» кемасининг командири ўртоқ Борис Валентинович Волинов ер ва «Союз-4» космик кемаси билан икки томонлама радио алоқа ўрнатди.

Ўртоқ Б. В. Волиновнинг маълум қилишича, унинг ва экипаж аъзоларининг саломатлиги яхши; кема бўлмағаридаги босим ва ҳарорат нормал даражада.

«Союз-4» ва «Союз-5» кемаларининг командири космонавт-учувчилар Владимир Александрович Шаталов билан Борис Валентинович Волинов ўртоқлар космик фазода биргаликда экспериментлар ўтказиш програм-

масини бажаришга киришганликларини маълум қилдилар.

«Союз-4» ва «Союз-5» космик кемалари парвози давом эттирмоқда. 1969 йил 15 январда Москва вақти билан соат 13 гача «Союз-4» кемаси ер атрофини ўн саккиз марта, «Союз-5» кемаси эса икки марта айланиб чиқди.

«Союз-4» кемасининг командири ўртоқ В. А. Шаталов «Союз-5» космик кемаси орбитага чиқарилганини кузатиб турганлигини хабар қилди.

«Союз-5» кемасининг командири ўртоқ Б. В. Волинов кемани қўл билан бошқариб, қуёшга йўналтириб олди, шундан кейин само юлдузлари кузатиб борилди. Борт инженер А. С. Елисеев ва тадқиқотчи инженер Е. В. Хрунов кабинанинг ичкарасини кино ва фото суратга олдилар.

Ўртоқ Б. В. Волинов орбита бўлмаси ва космонавт кабинасидан телерепортаж ўтказди. Телерепортаж вақтида инженер Хрунов «Союз-5» космик кемаси экипажининг бошқа аъзолари билан таништирди, шунингдек экипаж ҳар бир аъзосининг иш жойини кўрсатди. Улчов пунктлари кема ичкарасидан аниқ телевизион тасвири қабул қилдилар.

«Союз-5» кемасидан хабарлар 15,008 мегагерц частотада берилмоқда.

Кемаларнинг экипажлари белгиланган программага мувофиқ илмий тадқиқотларни ўтказдилар. Қун тартибига мувофиқ, экипаж аъзолари овқатланиб олишди.

Экипаж командирларининг хабарларига қўра, «Союз-4» ва «Союз-5» кемалари бўлмағарида ҳарорат ва ҳаво босими нормал даражада.

# Ўйтахтимиизнинг БИР КУНИ

## ИЛГОРЛАР ЦЕХИ

«Ўзбексельмаш» заводининг 1-йиғув цехида кулик ва ойлик нормаларини ошириб бажармайдиган ишчилар камдан кам топилди. Иш жойларининг озодлиги, ҳамма нарсанинг саранжомлиги ва меҳнат интизомида ҳам бу коллектив намуна қилиб кўрсатадилар.

И. Лебедев бошчилик қилаётган йиғув цехи ишчилари 1968 йили катта жувафакятлар билан яқунлаб, беш йилликнинг тўртинчи йилни янада юксак меҳнат кўтариш кўрсаткичи билан бошлаган эдилар. С. Перехонин, С. Юртаев, В. Шербин сингари машъал ишчилар йиги йилнинг дастлабки иш кунларида оқим смена топириқларини доим ошириб бажариш таъабубини бошлаб бердилар. Натижанда бутун коллектив ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаш бошлади.

Касаба союз комитети январнинг биринчи ўн кунлиги яқунларини қараб чиқиб, цех яна юксак ўрнини эгаллаганлигини қайд қилди. Социалистик мусобақада Меҳнат Туманов бригадаси цехда биринчи ўринда бормоқда. Аҳил бригаданинг 14 аъзоси смена топириқини доим 110 процентдан ошириб бажармоқда.

И. РАХИМОВ.



Соия Рамашкина билан Едгорой Тожиёва Тошкент трикотаж фирмасининг пешпадам тўқувчилари. Улар кулик нормаларини ортинги билан бажаришди. СУРАТДА: (чапдан) С. Рамашкина ва Е. Тожиёва иш пайтида. Р. Жуманиёзов фотолари.

## Москва кўр газмасига

Москвадан республика союзига хушхабар келди. Шу йилнинг апрель таъхидида очиладиган «Монументал санъат» Бутуниттифоқ кўр газмасида ўзбек рассомлари ҳам ўз асарлари билан қатнашадилар.

Кўр газмага Ҳамама мукофотининг лауреати Ч. Ахмаровнинг Самарқанд шаҳридаги Беру-


ний музейига, Навоий номи адабиёт музейига ишлаган манзаралари нусхаси қўйилди. Бундан ташқари, рассомлардан В. Соседов, А. Ган, Ю. Липас ва бошқалар ҳам кўр газмага ўз асарларини юбордилар. Ҳозир рассомлар ўз асарларига сўнгги жилло беришга киришдилар. Экспонатлар шу ойнинг охирида Москвага юборилди.

## ҚИЗҚАРЛИ ЭКСПОНАТЛАР

Ленин районидagi 110-мактабда улуг устозимиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан қизиқарли кўр газма ташкил этилди. Стендлардаги расмлар В. И. Лениннинг революцион фаолияти, ўзини даврлари ва Совет ҳокимияти давридаги ҳаёти билан таништиради. Кўр газмани ўқувчилар катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

## ЮТУҚЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

Халқ хўжалик ютуқлари кўр газмасида янги экспозиция ташкил этилди. Бу экспозициялар республикамизда халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари бўйича кейинги беш йилликлар даврида қўлга киритилган улкан ютуқлар ҳақида хикоя қилади. Махсус сурат ва фотосуратларда эса серкўйш ўлка кудратини кўрсатувчи ажойиб рақамлар бор.



Космосга ҳужум.

П. ШАХНАЗАРОВ чизган сурат.

## Тошкент — Жаҳонга

### «ТОШКЕНТ— САН—ПАУЛУ»

«Сувеинер» фабрикасининг йироқ Бразилияга аталган совалари «Тошкент—Сан—Паулу» маршрути билан жўнатилди. Совалар суяқдан ишланган «Рақдоса», «Чупон», «Узум узувчи»нинг жажжи хайкалчаларидан, Алтишер Навоий тасвири туширилган қаламдон, «Пахта» ва «Гул» номи гулдонлардан иборат.

Тошкентда ишлаб чиқарилган совалар халқаро бозорда тобора кенг доирада чиқармоқда. Монреалдаги «ЭКСПО-67» виставкасининг ўзидан шу корхона усталари суяқдан, шохдан, ёғочдан, тошдан тайёрлаган етти мингга яқин буюм сотилди. Бразилия чет мамлакатлар орасида еттичи бўлиб, фабриканинг соваларини сотиб олиш истагини билдирди.

(ЎзТАГ).

## ҲОШИГҲ САТЛАМА

«Союз-5» кемасининг экипажи номидан Ватанимизнинг маъсуллик топириқини шараф билан бажариш, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини, ҳукуматини, совет халқини ниятиранман—де йилда кема командири ўртоқ Б. В. Волиновнинг парвоз олдидан берган баёнотида.

Германия Коммунистик партияси ташкил этилган кунининг 50 йиллигига бағишланган илмий конференция кеча эрта-лаб, Москвада ўз ишнини бошлади.

СССР ва ВНР ўртасида маданий ҳамкорлик бўйича ўзаро ҳукумат Комиссиясининг тўртинчи сессияси протоколи кеча Москвада имзоланди.

## Ленинград номи билан

1970 йилда фойдаланишга топшириладиган бу бино Ленинградликлар бунёд этган «Марказ-13» кварталининг хуснига хусн қўшади. Шу кунларда шаҳримизда «Пахтакор» стадиони, суний ях-малак нишооти олдида, Дуна-чарский шоссесида ҳам янги меҳ-мохона бинолари қад кўтар-моқда.

## ҚОЗОҒИСТОН БҮЙЛАБ

Меҳнат Қизил Байроқ ордени ўзбек давлат филармонияси «Шодлик» ансамблининг коллектив қардош Қозоғистон республикаси бўйлаб гастроль сафарига жўнаб кетди. Бир ойдан ошқ давом этадиган бу гастролда ўзбек санъаткорлари чорвадорлар, шахтёрлар, машинасозлар ҳузурда бўладилар.



В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар олган рўзгор холодильниклари заводи коллективи шу кунларда юксак кўтариш билан меҳнат қилмоқда. СУРАТДА: йиғув цехининг конвейери.

А. Горюкритк фотоси. (ЎзТАГ)

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети Тошкентда нон савдоси ҳақида аҳолига эканлигини ёппасига текшириб чиқди. Текшириш шунинг кўрсатдики, нон заводларида ишлаб чиқариш қуввати, ун ва транспорт воситалари мавжуд эканлигига қарамай, шаҳарда совуқ тушгандан кейин аҳолини нон билан таъминлашда жиддий нуқсонларга йўл қўйилган.

«Ташхилбор»нинг ва бир қанча пиширотгор раҳбарларининг айби билан заводларга нон пишириш юзасидан заявкалар қамоқтириб берилганлиги аниқланди. Шаҳарда савдо-сотик билан шуғулланувчи ходимлар аҳолини биллиб, тегишли хулосалар чиқариб олишлари учун юқори органларнинг жиддий суратда аралашуви зарур бўлиб қолди. Ана шу ходимлар қишга тайёрлик, деб айтганлари ҳолда мағазинларни иситиш чораларини кўрмадилар.

Шаҳардаги нон ёпадиган корхоналарнинг раҳбарлари ҳам беларолик қилдилар. Нон заводлари рўй берган қийинчиликларни бартараф қилишга жуда сусташлик билан киришдилар, бунинг учун мавжуд бўлган имконият ва резервлардан тўлиқ фойдаланмадилар. «Ўзгавхлеб»нинг йўл қўйиб бериши оқсидида 1968 йилнинг охирида 3-нон заводининг янги ишлаб чиқариш корпуси катта нуқсонлари бўлгани ҳолда қонунга хилоф суратда қабул қилинди ва расман ишга туширилди. Бу йорпус январь ойининг биринчи ярмида ҳам ишлайи турди. «Ўзгавхлеб» ходимлари гинда нон ёпишини қўлайтириш ҳақидаги топшириқни бажариш тўғрисида ғамхўрлик қилмадилар.

Нонни мағазинларга ташувчи унинг Тошкент автокомбинатининг ходимлари жиддий нуқсонларга йўл қўйдилар.

Ўтказилган текшириш яқунлари халқ контроли комитетининг кенгайтирилган мажлисида қараб чиқилди.

Халқ контроли комитети Тошкентда нон тайёрлаш, ташув ва нон савдосида «Ўзгавхлеб» (бошлиғи А. С. Султонқўжаев), Тошкент шаҳар иқроия комитетининг савдо бошқар-

маси (бошлиғи С. А. Орпов), 3-автокомбинат (бошлиғи М. И. Файнлейб) томонидан йўл қўйилган маъсуллик ва контролсизликнинг коралари. Ана шу муассасаларнинг раҳбарлари аниқланган қамчиликларни тақдорлаган тақдирда қаттиқ жазо берилди, деб огоҳлантирилди.

Аҳолининг талабларини ўрганишда маъсулликсизлик билан қарағилари, нон ёпиш юзасидан қамчиликлар билан буюртмалар тузилганлиги ва савдо корхоналарининг ишларини қоникорсиз контроль қилганлиги учун «Ташхилбор» директори Д. Ю. Юсуповга ва Ленин район пиширотгор директори Х. Б. Аҳмедовга қаттиқ виговор эълон қилинди. Тўртинчи нон заводининг директори И. Д. Соловд ва унинг нон заводининг бош инженери М. В. Семёновларга ҳам шундай жазо берилди.

«Ўзгавхлеб»нинг бош инженери В. Ф. Шеррлих унинг нон заводининг тўлиқ тайёрланмаган корпусини фойдаланишга қабул қилганлиги учун унга қаттиқ виговор эълон қилинди. 5-курилиш трестига қарашли 29-курилиш бошқармасининг бошлиғи Г. В. Асеевга ҳам шундай жазо берилди.

Озиқ-овқат савдоси, савдо, автомобиль транспорти ва тош йўллар министрликлари раҳбарларининг Тошкент аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашдаги нуқсонларини тугатиш юзасидан зарур чоралар амалга оширишдаги маъсулликни ўз ичига олади. Бу министрликларга ана шу нуқсонларга қўйилган маъсбадор шартларни жавобгарликка тортиш таълиф қилинди.

Халқ контроли комитетининг мажлисида аҳолини нон билан таъминлаш, балки бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳам таъминлашда ўзгаришга йўл қўйиш мумкин эмаслиги таъкидлаб ўтилди. Об-ҳаво шароити қандай бўлишига қарамай, мағазинларда озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳамма турларини етарли миқдорда сотиш мумкин ва керак.

(ЎзТАГ)

# Ўйтахтимиизнинг БИР КУНИ



# Раззоқ

# Ҳамроев



Раззоқ Ҳамроев «Алишер Навоий» кино фильмида Навоий ролида.

## Табриклар оқими

Талантли артист Раззоқ Ҳамроевга республика шаҳар ва қишлоқларидан томошабинлар — санъатчилар, ўқитувчилар, ишчилар, студентлар ва бошқа кишилардан кўплаб табрик телеграммалари келмоқда. Телеграмма муаллифлари Раззоқ Ҳамроевга СССР халқ артисти унвони берилиши билан уни муборакбод қилмоқдалар:

— Қимматли Раззоқжон! Сизга Совет Иттифоқи халқ артисти юксак унвони берилиши билан табриклаймиз! Яна иккинчи парвоз ва сихат-саломатлик тилаймиз.

Сизни кучиб ва ўпиб, таъзим билан: Ҳалима НОСИРОВА, Комил ЯШИН.

— Ўзбекистон Давлат филармониясининг коллективи Сизга юксак унвон берилиши билан табриклар, сихат-саломатлик ва катта иккинчи муваффақият тилайди. СУЛТОНОВ.

— Андижон шаҳрида истиқомат қиладиган кўпгина муҳлисларингиз Сизни юксак унвон — Совет Иттифоқи халқ артисти унвони берилиши билан табриклар, сихат-саломатлик ва катта муваффақиятлар тилайди.

ҚАМБАРОВ, Андижон шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари.

— Хоразм область театри коллективи Сизни фахрли унвон билан табриклайди, сихат-саломатлик, узоқ умр ва халқ санъатини ривожлантириш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

ОТАЖОНОВ, РАҲИМОВ, БОБОЖОНОВ.

— Сизга СССР халқ артисти юксак унвон

берилиши билан табриклар, сихат-саломатлик ва янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

НАМАНГАНДАГИ НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТР КОЛЛЕКТИВИ.

— МОСКВА. Юксак унвон олишингиз билан табриклар, узоқ умр ва муваффақият тилаймиз. Таъзим ила:

Икром АКБАРОВ.

— ФРУНЗЕ. «Олмалар» фильмини сурагга олиш группаси Сизни СССР халқ артисти унвонини олишингиз билан табриклайди. Сенин артистимизга юксак унвон берилишидан ниҳоят мамнун бўлиб, сизга байрақ ва навад янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

БОТИРОВ, ПЕТРОСОВ.

**1925** ИЛНИНГ кўзи. Бухоро яқинидаги Когон станцияси. Поезд Тошкент томон аста-секин йўл олади. Дўшпик, қора кўз бир ўспирин вагонларнинг тақир-туқурига кўлоқ солмай олис-олисларга назар ташлайди. У билан бирга бир паранжлик аёл ҳам борарди. Аёл унинг ораси эди...

Тезгузар қишлоғидан келган чўпон Тошкентда имтиҳондан ўтиб ўзбек эрлар билим юрти талабаси бўлди. СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев ўз фаолиятини ана шундай бошлаган эди.

1930 йилининг ёзида Р. Ҳамроев билим юртини имтиёзли диплом билан битириб, Наманган шаҳрига ишга борди, етти йиллик мактабда ва тиббий рафқанда ўзбек тили ва адабиётдан дарс бера бошлади.

Раззоқ Ҳамроев ёшлиғиданоқ адабиёт ва санъатни севар эди.

1931 йилнинг июнида Наманган шаҳрида

ўзбек музыкали драма театри ташкил этилганда, Раззоқ Ҳамроев бош-қош бўлди. У бу театрда дастлаб кичик ролларни ижро этди, оммавий саҳналарда чиқди. Бора-бора масъулиятли ушкан образларга ҳам кўл урди.

Раззоқ Ҳамроев ўн тўрт йил Наманган театрида ишлаб, Москва бадий академик театри қошидаги курсда ўқиди. 1945 йилда Тошкент бадий фильмлар студиясига кино артисти сифатида қабул қилинди.

Муқимий номидаги музыкали драма ва комедия театри эса Р. Ҳамроевнинг иккинчи энг асосий иккинчи корхонаси бўлди.

Ушкан санъаткор шу кунгача театр саҳнасида 150 га яқин образ яратди. 33 кинофильмда суратга олинди, 400 дан ортиқ таржима фильмларга овоз берди. Режиссёр сифатида 67 спектакль қўйди.

Булар дехқон ўғлининг чинакам бахтидан ҳикоя. Бундай бахтга буюқ Ленин замонасидагина эришиш мумкин.

## САНЪАТКОР ВА ЭКРАН



**РАЗЗОҚ** Ҳамроев Навоий образини маҳорат билан яратиб, жаҳондаги миллионлаб кино томошабинларини хушнуд қилди. «Алишер Навоий» фильмининг шу қадар томошабинларининг эътиборини тортганига сабаб нима?

Ўзбек кинематографияси эндигина биринчи одам отаётган бир пайта асарининг бадий ва гоҳий юксак бўлишига сабаб шундан, унда тарихий асар реалистик бўёқлар билан талқин этилган. Алишер Навоий ролини ёш артист Раззоқ Ҳамроевга топширилши эса режиссёр томонидан актёр билан танланганини кўрсатди. Ҳамроев олиқаноб, орзу-умидли, ёш, сергайрат Алишернинг фильм иқтисодида камолотга етган адиб, донишманд файласуфга айланганини иккинчи санъатининг нозик воситалари орқали кўрсатади. У Навоий дунёқарашидаги феодализм даврига хос бўлган эътиқотларни ҳам катта маҳорат билан очиб берди.

— Алишер Навоийдек улуг мутафаккир, ушкан давлат эрбобининг образини яратиш осон эмаслигини яхши билардим, — дейди бу ҳақда Раззоқ Ҳамроевнинг ўзи, — бу мenden унинг ҳаёт йўли, иккинчи фаолиятини шу кунинг кўзи билан қарашни, Навоий ашаган муҳит, унинг замонадошлари ва асарларини ўрганишни талаб этишини яхши билардим.

Артист Навоийнинг ҳаёти ва адабий фаолиятини чуқур ўрганди. Фильм экринга чиққан, колхозчилар, ишчилар ва студентлар тақлифига биноан Навоийнинг ижоди ва ҳаёти ҳақида сўхбатлар ўтказди.

«Алишер Навоий» фильми польшалик томошабинларнинг ҳам катта баҳосига сазовор бўлди. «Грибуна работница» газетаси ўзининг 1949 йил 18 март сонидида шундай деб ёзди: «Ўзбекистонда ўзбеклар томонидан чиқарилган бу фильм вақтларини маданиятга ва маданиятсиз халқ деб ажратибги урунучиларга қарши жуда яхши жавобдир».

Раззоқ Ҳамроев 1943 йили етук саҳна устаси даражасига кўтарилганда, «Тоҳир ва Зухра» фильмида Нозим ролин ижро этди. Ушқандан буён у Ўзбекистон кинематографияси билан мустахкам алоқа боғлаб келмоқда.

Ўзбек халқ оғзаки ижодини чуқур билиши Ҳамроевга режиссёр Наби Ганиев томонидан яратилган «Насриддиннинг саргузуши» фильмида Ҳўжа Насриддин ролин ижро этишида кўл келди.

Халқ генийси томонидан яратилган инсонпарвар, адолатли, ҳамиша кўноқ, доворак ва доно Ҳўжа Насриддин образини яратиш актёрдан фақат маҳорат эмас, балки билим ва халқ ҳаётини яхши ўрганиши ҳам талаб қилар эди. Ҳамроев халқ орасидан ўз образига бўёқ қидирди. У колхоз бозорларида, чойхоналарда, ўз йилиги ўтган кўрми ва навирон Бухорода бўлиб, кассалар билан сўхбатлашди. Томошабин Ҳўжа Насриддин — Ҳамроевнинг севиб қолганлигининг сабаби шунда.

Раззоқ Ҳамроев чорак аср мобайнида кўплаб кинофильмларда роллар ижро этди. У иштирок этган фильмлар — «Амирнинг ёмғирлиши»да темирчи Жаъфар, «Опа-сингил Раҳмоновалар»да партокм секретари Ортиқов, «Кўтлуғ қон»да махсус Шокир ота образлари томошабинлар қалбидан ўчи олган. Унинг «Абу Али ибн Сино» фильмида X—XI аср олими Беруний образини талқин этиши ҳам актёрдан катта маҳорат ва билим талаб қилди.

Унинг «Сайёд кўнгириги», «Ер-ёр», «Иккинчи баҳор» ва бошқа фильмларда яратган характерлари бир-бирга ўхшамаган, касби-кори турлича бўлган образлари ҳам томошабинларнинг эътиборини ўзига тортди. Раззоқ Ҳамроев совет ва чет эл кино томошабинларининг фикрини ва диққатини ўзига тортган сеvimли кино актёрларидан бири бўлиб қолди.



СССР халқ артисти, Давлат мунофотининг лауреати Раззоқ Ҳамроев иштирок этган фильмлардан кадрлар.



Раззоқ Ҳамроев «Муқимий» спектаклида Муқимий ролида.


## ҚУВОНЧИМ ҲАДДАН ЗИЁД

1931 йилда мени санъат даргоҳига олиб кирган устозим Раззоқ Ҳамроевга улуг унвон берилди. Мана, 38 йилдирки, мен шу камтарин, захматқаш, катта ижодкор қўлида тарбияланиб, ижод погоналарини босиб ўтдим ва Ўзбекистон ССР халқ артисти деган унвонга муяссар бўлдим.

Юздан ортиқ яратган образларининг биронтаси ҳам устоз назаридан четда бўлмаган эди. Қўл ва сабр билан иш олиб бориш Ҳамроевга хос яхши хислат. Мендек неча-неча санъаткорларга устозлик қилган катта санъаткор партиямиз ва давлатимизнинг совет санъатига бўлган гамжўрлиги намунаси ўлароқ улуг унвонга лойиқ кўрилади. Биз устозимизга бўлган бундай ҳурматдан ҳаддан зиёд қувондим.

Т. ЖАЪФАРОВА.

## ШОДИЁНА



енса санъаткор Тожилода кўтлар эди.

Раззоқ ака столи устида сонун-сануқсиз табрик телеграммалари. Улар таниқли санъаткорлардан. Раззоқ аканинг муҳлисларидан, наманганлик молия хотини, санъат муҳлиси Солиҳон Бойдаев ўз қувончини, табригини мана бундай ифодаляйди:

«СССР халқ артисти унвони билан кўтлайман, азиз ўқитувчим! Сиз мени 1930 йилларда иккинчи босқич мактабда ўқитган эдингиз. Севимли устоз! Сиз яратган образлар халқ қандан-қандача замонадошларимиз қалбини тўлқинлантиради. Сизга шогирд бўлганлигим билан фахрланаман».

Шу кунларда Раззоқ Ҳамроев ва унинг санъатсевар муҳлислари чехрасидан табасум аригани йўқ. Аммо улкан унвон санъаткорга улкан ва зифалар юклаши аниқ. Раззоқ ака шу ҳақда — яратилажак образлари, спектакллари ҳақида ўйлаётди.

— Юксак унвон менга юксак масъулият юклямоқда, — дейди у, — мен азиз халқимга, она Ватанимга ҳар қачонгидан ҳам яхши хизмат қилишим керак.

У. ЮСУПОВ, Х. ҲАКИМОВ.

**10** ЯНВАРЬ. Вақт аллама ҳа л бўлиб қолган. Раззоқ ака ўз нақсадига мутлола қилиб ўтирарди. Бирдан телефон жингиллади. Хайли бўлиди.

— Эшитаман, — деди тоғаниш овоз.

— Нега? — таажубланди Раззоқ ака.

— Олий унвон билан табриклайман.

Раззоқ ака ҳайрон.

— Нима гап ўзи? Қамсиз?

— Муҳлисларингиздан бири бўламан, СССР халқ артисти унвони берилиши муборакбод тилабимиз.

Раззоқ ака ишонқирамади.

— Ҳеч бўлмаса фамилиянигизни айтинг? — илтимос қилди.

— Каримов бўламан. Хушхабарни ҳозиргина Москва радиосидан эшитдим.

Раззоқ ака телефон трубкасини аста жойига қўйди. Нахотки рост бўлса? Бир дам хаёлга толди.

Бир пайт яна телефон жингиллади.

— Эшитаман, — деди трубка қулоғига тутиб Раззоқ ака.

— Табриклайман, устоз!

— Кимсиз? — сўради Раззоқ ака.

— Райҳоним... Райҳон Тўраева... Ҳозиргина Москва радиоси хабар берди... Яна бир марта кўтлайман устоз.

Раззоқ Ҳамроев энди ишонди. Демак, унга СССР халқ артисти деган юксак унвон берилибди.

Тонг отди. Раззоқ ака одати бўйича соат ўн бирларда ўзи бош режиссёрлик қилаётган Муқимий номидаги музыкали драма ва комедия театрига келди.

Кунининг иккинчи яринда Ўзбекистон радиоси СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан ўқиб эшиттирди. Унда театр санъатини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Раззоқ Ҳамроевга СССР халқ артисти унвони берилгани айтилган эди.

Театр коллективи бениҳоя хурсанд.

— Табриклайман, устоз!

— Кўтлаймиз! Шогирдларим, тенгдош ҳаммасларимиз учун кувонч билан қайтанишга кўчншади, ўпишайди.

Раззоқ ака кабинетидидаги телефон узлуқсиз жингиллади:

— Табриклаймиз... — Кўтлаймиз... Яқшанба кун кечгача ана шундай шодидеалик ҳукм сурди. Душанба кун айниқса, кўтловчилар кети узилмайди. Раззоқ ака ниҳоятда чарчаган. Аммо буни сезмасди. Еру-дўстлари билан кабинетидида ўтирар экан, яна телефон бўлди.

— Кўтлайман, аягинанг ўргилсин, — бу СССР халқ артисти вакили Лутфиқоним Саримсоқова эди.

— Кўтлаймиз, соғу-саломат бўлинг, — аягининг умр йўлдоши

## ШОГИРДМАН

Дастлаб рақоса сифатида элга кизмат этди. 1938 йилдан бундан экинчи, аммо шарафлик вақти — режиссёрлик қилишда. Ўзбек хотин-қизларидан режиссёрлар жуда кам. Шунинг учун бу ишга кўл уришда анча чўчидим. Аммо устозим Раззоқ Ҳамроев дедил бўлишга ундадилар.

Раззоқ Ҳамроев Муқимий номида театрда бош режиссёр бўлиб ишлаб, ўнлаб шогирдлар тарбиялади, мустақил ижод йўлига йўллади. Ана шулардан бири мен.

Ҳозиргина 25 спектаклга режиссёр ассистенти бўлдим. Унлаб ишларни янги ролларга тайёрладим. Бунинг ҳаммасида устозимнинг хизмати катта.

Р. МУҲИДИНОВА.



Р. Ҳамроев «Ҳамза» фильмида Назирий ролида.

## МУРАББИЙ, АКТЁР ВА РЕЖИССЁР

ЎЗБЕКИСТОН санъат усталари орасида шундай талантлар борки, улар билан фақат республика мамлакат фахрланади.

Шубҳасиз, театрда қадимий Шарқнинг улканлиги ва донолиги, ўз замонадошларининг қаҳрамонлиги ва пижоватини муқамсамлаштирган Раззоқ Ҳамроев ҳам шундай кишилар жумласидандир.

Унинг меҳнатсеварлиги ва байрат, табиий таланти билан уйғунлашиб кетган. Ченсиз фантазия, кўп қиррали санъатнинг сирларини халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлаши туфайли яратган образлари эркин ва томошабин қалбига тезда етиб боради.

Тилшунос ва адабиётчи Раззоқ Ҳамроев 1930 йилда Наманганда ўқитувчи бўлиб ишлаб экан, ўқувчилар драма тўрагини ташкил этди. Еш ўқитувчи у пайтада санъат унинг тақдирини, энг севаган иши ва ҳаётининг маъмуни бўлиб қолганини қайдан билган эди дейсиз? Кўтилмаганда Раззоқ Ҳамроевга Наманган профессионал драма труппасини ташкил этишни топширишди. У билан бирга ўн етти ўқитувчи ҳам Навоий номида театрнинг ўзгаги бўлиб қолди. Ҳамроевнинг ўзи эса режиссёр, репертуар бўлимининг мудир ва актёрлик қилди. Наманган театрида яратилган «Вой ила хизматчи», «Уйғош», «Номус ва муҳаббат», «Тор-мор», «Гунчалар», «Нидоб йиртилди», «Едираман», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» каби спектакллarga муносиб ҳисса қўшди.

Мана бир неча йилдирки, Раззоқ Ҳамроев Муқимий номидаги музыкали драма ва комедия театрида бош режиссёр ва актёр сифатида хизмат қилиб, ишларга ўз билими, тақрибис, маҳоратини ўргатмоқда, минглаб томошабинларни хушнуд этмоқда. Бу улкан театрда у «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин», «Ватан ишқи», «Нурхон», «Лайли ва Мажнун», «Муқимий», «Тобшобла ошқ», «Жон қизлар», «Ғил ўйлантириш», «Икюн билгагузу», «Қалам қошқини», «Навоий Аст-робода», «Фаргона тонг отунча» каби замонавий ва тарихий темадаги асарларни саҳнага қўйди.

Муқимий номида театр ихлосмандлари Раззоқ Ҳамроевни талантли актёр сифатида ҳам яхши билдилар, у яратган Муқимий, Навоий

образлари кимни ҳаяжонлантирмаган дейсиз.

Муқимий номидаги музыкали драма ва комедия театрининг шухрат қозонишида Раззоқ Ҳамроевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Театр 1964 йилнинг февралда Москва томошабинлари олдида имтиҳондан ўтди. Тошкентлик санъаткорлар Кремль театрида С. Жамолнинг «Гули сийёх», В. Шенкелнинг «Ғи инкинчи кеча», Ч. Айтматов асарини асосида Т. Тўла яратган «Момо ер», Б. Александровнинг «Малиновкада тўй» пьесаларини кўрсатди.

Бу кўрники талабчан Москва томошабинлари, таниқли санъаткорлар, театршунослар юксак баҳоладилар. «Советская культура» газетаси мана шундай деб ёзган эди: «Муқимий номидаги ўзбек музыкали драма ва комедия театрининг ҳар бир премьераси — Тошкент театри ҳаётида жуда катта воқеа ҳисобланади... Бу ўз-ўзидан тўшунарли. Чунки театр коллективи томошабинларнинг эътиборини ўзига жалб қила олади».

Езувчи Соҳиб Жамолнинг «Гули сийёх» асарини асосида яратилган шу номида спектаклга (режиссёр Р. Ҳамроев) РСФСР да хизмат кўр-

сатган артист Н. Ключников бундай баҳо берган эди: «Гули сийёх» оддий кишиларнинг тақдирини, уларнинг соф қалби ва гурури тўғрисида ҳикоя қилувчи катта сийёсий спектакллардандир. Унда романтик руҳ билан турмуш уйғунлашиб кетган.

«Гули сийёх»ни саҳнада талқин этиш театр коллективининг зўр истеъдоди, катта иккинчи имконияти дималарга қодир эканлигини, санъатнинг қайноқ йўлидаги муваффақиятини яна бир бор исботлади.

Раззоқ Ҳамроев талантли актёр ва режиссёргина эмас, алоийиб педагог ҳамдир. У Тошкент Давлат театри ва расмоччилик институтида «Актёр маҳорати» фандан дарс бериб келмоқда. Унинг кўплаб шогирдлари республикамиз театрлари саҳнасида қорай-толмай меҳнат қилмоқдалар.



ИЗНИ тезроқ ёввойи ҳайвонлар тилкапора қилиб ташласа бўлмас...

вориға чиқилдиғани зинапоя олдиғани йуладан кечилди...

Дарвозада қоровул бўлиб турган легионерлар бир қадар саросималик билан бўлса...

дим. — Бир пас жим қолғач, сўнгра деди: — Гладияторларнинг қўзғолол кўтаринг...

Энг қоровул бошлиғи Луций Мединий бутун отрядни йиғнади сафта тизаркан...

у Меттий Либеоннинг куллари бўлган девқомат икки герман гладияторини яхши танирди...

— Хатто, агар тасаввур қилсанг... эсимданки, мен сени, — деди Спартак ўзини...

— Э, биз нимани билишимиз мумкин? — ўзини гуллакчи солиб жуда қилди Спартак...

Бундан жуда қўйиб қилиб бемалол гапирдики, центурион энди шубҳаланмай қўйди...

Редактор С. М. КАРМАТОВ.

ШИФОКОР МИНБАРИ

ГРИППДАН САҚЛАНИШ

- Гриппнинг қандай белгилари бор?
Грипп қандай юқади?
Касалликнинг олди оlish йўллари

Грипп тўсатдан бошланади: киши ҳиссималаб дармони кўришни...

орқали кўриб бўлмайдиган майда жониворлардир. Бу жониворларнинг грип вируслари деб аталади...

Физикултура ва спорт билан шугулланиб, очик ҳавода юриб, чиниқаш аиниқса фойдалидир.

Буллардан ташқари одамлар зарарсиз грипп вакциналари билан эмланади...

ДЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО 16 январь ПАЙШАНБА

17 январь ЖУМА

ИНКИНЧИ ПРОГРАММА 8,25 Оперетталардан парчалар...

ДИССЕРТАЦИЯ ЕКЛАМАЛАР 1969 йил 27 январь кундуз...

ХОДИСА

Спорт

ИККИНЧИ УРИН

Тошкент облестини «Спартак» кўнгилли спорт жамияти ёшлар терма командаси Бухоро шаҳрида ўтказилган классик кураш мусобақаларида...

ЕРКИН КУРАШ

РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ

Тошкентдаги армия спорти клубининг спорт залида ёшлар ўртасида эркин кураш бўйича ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бошланди...

ТЕННИС

ЁШЛАР ЎРТАСИДА

Ўзбек кимёгарлари шаҳри Чирчиқда ёшлар ўртасида теннис бўйича Совет Иттифоқи зонал биринчилиги мусобақалари тугади...

БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАЛАРИ

Козогистон пойтахти да «Кумуш бойчек» соврини учун тоғ чемпионати спорт бўйича Бутуниттифок мусобақалари бошланди...

ТЕЛЕВИЗОР

16 январь ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КўРСАТАДИ

17 январь ЖУМА

Кино

Ана, уна Карамазовлар (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОНИ (нечукурун)...

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КўРСАТАДИ

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КўРСАТАДИ

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КўРСАТАДИ

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КўРСАТАДИ

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17 январь ЖУМА

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17 январь ЖУМА